ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САРСЕНБАЕВ БАХИТЖАН АБДУЛГАЗИЕВИЧ

БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИ МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

УДК: 339.137(575.172)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on economic sciences

Сарсенбаев Бахитжан Абдулгазиевич
Балиқчилик соҳаси ривожланишини маркетинг ёндашувлари асосида такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)…..……3

Сарсенбаев Бахитжан Абдулгазиевич
Совершенствование развития сферы рыбоводства на основе маркетинговых подходов (На примере Республики Каракалпакстан)...……27

Sarsenbaev Bakhitjan Abdulgazievich
Improving the development of fishing sphere based on marketing approaches (On the example of the Republic of Karakalpakstan)……..…49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……...……53

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САРСЕНБАЕВ БАХИТЖАН АБДУЛГАЗИЕВИЧ

БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИ МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Iqt429 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Иватов Ирисбек**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Икрамов Мурат Акрамович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Муртазаев Олим
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.01.2020.I.20.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» май соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел. (998 61) 223-60-47; факс (998 61) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси , 1-уй. Тел: (99861) 223-60-47; факс (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «7» май куни тарқатилди.

(2021 йил «7» май даги 2 рақамли реестр баённомаси).

К. Убайдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.К. Алымов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Т. Досчанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида дунё мамлакатлари ички ва ташқи бозорида озиқ-овқат маҳсулотларининг муҳим таркибий қисми бўлган балиқчилик соҳасининг ривожланиши миллионлаб инсонларнинг истеъмоли ва иш билан бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. «2018 йил дунёда, баҳолаш бўйича, 179 млн тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилган, унинг бирламчи сотилишининг пул қийматидаги миқдори 401 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Дунё аҳолисининг балиқни истеъмол қилиши аҳоли жон бошига 20,5 кг.га етди ва овланган балиқнинг 88 фоизи фақат истеъмол учун ишлатилмоқда»[1]. Бугунги глобаллашув шароитида балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг маркетинг ёндашувлари асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, сотиш ва балиқ ишлаб чиқарувчи субъектларини ўзаро ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда балиқчилик соҳасига жуда катта эътибор берилиб, балиқ ва балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг ва сервис соҳасини ривожлантириш ва бунда аҳолини кундалик истеъмол маҳсулотлари рационида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бозорни маркетинг тамойилларидан фойдаланган ҳолда тўлақонли шакллантириш ва унинг самарадорлигини ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда балиқчилик соҳаси ривожланишининг илмий-услубий асосларини ўрганиш, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятининг хусусиятлари, ундан фойдаланиш жараёнларини таҳлил қилиш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, мамлакатлар ўртасида товарлар алмашувини ташкил этиш ва бошқариш масалаларига эътибор бериш ҳамда маркетинг ёндашувларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида балиқчилик соҳасини ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш субъектларини янада такомиллаштириш, балиқчилик кластерларини ташкил этиш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида қафас усулида балиқ етиштириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада «... сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади»[2]. Мазкур вазифалардан келиб чққан ҳолда балиқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни устувор даражада амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

---

[1] Состояние мирового рыболовства и аквакультуры – 2020. Меры по повышению устойчивости. Рим, ФАО. https://doi.org/10.4060/ca9229ru. С.2.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 йил 30-декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 августдаги ПҚ-4816-сон «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Товар ва хизматлар маркетинги муаммолари хорижлик олимлардан М.Дж.Бейкер, Ф.Котлер, Р.Дж.Эванс, Б.Берман, Э.Мате, П.Чевертон, П.Друккер, М.Линдстром ва бошқалар томонидан таҳлил этилган[3].

МДҲ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Г.В.Астратова, Г.А.Багиев, И.К.Белявский, Т.С.Бронникова, Е.П.Голубков, Б.Д.Секерин, В.С.Шкодин, С.Е.Черновларнинг илмий ишларида маркетинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ўрганилган[4].

Республикамизда маркетинг муаммоларига бағишланган илмий изланишлар Г.Н.Ахунова, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабоев, Ж.Ж.Жалолов, М.А.Икрамов, И.Иватов, М.С.Қосимова, Д.М.Мухитдинов, А.Солиев, Б.Сафаров, А.А.Фаттахов, Ш.Дж.Эргашходжаева, З.А.Балташева, Т.У.Нурымбетов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган[5]. Уларнинг илмий

---

[3] Котлер Ф. Основы маркетинга. - СПб.: Коруна, 2007. - 645 с.; Линдстром М. Чувство бренда: воздействие на пять органов чувств для создания выдающихся брендов. – М.: Эксмо, 2008. – 271 с.; М.Дж. Бейкер. Маркетинг - философия или функция? - В кн.: Теория маркетинга. – СПб.: Питер, 2002. – 464 с.; Мате Э. Послепродажное обслуживание – М.: А/О Издательская группа «Прогресс», 1993. - 160 с.; Чевертон П. Теория практики современного маркетинга. – М.: ФАН - ПРЕСС, 2002. - 608 с.; Эванс Дж. Р., Берман Б. Маркетинг. – М.: Экономика. 2002. - 308 с.; Друккер П. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы – М.: 1992.- 298 с,

[4] Астратова Г.В. Маркетинг продовольственного рынка. - Щадринск: ПО «Илеть», 1996. – 252 с.; Багиев Г.А., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. – М.: Экономика, 2001 - 718 с.; Бронникова Т.С. Маркетинг: теория, методика, практика. – М.: КноРус, 2008. – 207 с.; Голубков Е.П., Голубкова Е.Н., Секерин Б.Д. Маркетинг: выбор лучшего решения. – М.: Экономика, 1993. - 222 с.; Шкодин В.С. Организация торговли плодами и овощами. – М.: Экономика, 1979. - 166 с.; Чернов С.Е. Коммуникации и реклама в аграрном маркетинге. – М.: Рос НИИ по социальным кадровым проблемам АПК, 1997. - 82 с.

[5] Ахунова Г.Н. Таълим тизимида маркетинг ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқт.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. – Т., 2004.; Бекмурадов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. док.

изланишларида маркетингни назарий ва услубий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари, айрим тармоқлар ва соҳаларда маркетинг фаолиятидан фойдаланиш, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида диверсификациялаш, маркетинг тамойилларини қўллаш, уларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва шу асосда реал соҳаларни истиқболли ривожланишини прогноз қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган, қишлоқ хўжалигиниинг таркибий қисми ҳисобланган балиқчилик соҳасининг ривожланиши масалаларига маркетинг нуқтаи назаридан кам эътибор берилганлигини қайд қилиш лозим. Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, аҳоли менталитети ва экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, айниқса, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш негизида балиқчилик соҳасини маркетинг ёндашувлари асосида ривожлантириш бўйича илмий изланишлар етарли даражада амалга оширилмаганлиги, ушбу тадқиқот йўналишини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-2017-0928465 «Қорақалпоғистонда агротуризмни ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади балиқчилик соҳаси ривожланишини маркетинг ёндашувлари асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги балиқчилик соҳасининг моҳияти ва унинг истеъмол бозоридаги ўрнини илмий жиҳатдан асослаш;

балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотлари савдосини ривожлантиришда маркетинг тушунчасининг моҳияти ва функцияларини асослаш;

истеъмол бозорида балиқ савдосини маркетинг ёндашуви асосида йўлга қўйиш тамойилларини самарали қўлланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

балиқчилик соҳаси ривожланишининг асосий тенденцияларини, шу жумладан етиштириш ва тақсимлаш тизимлари нисбати ўртасида юзага

экон. наук.- Т., 1993.; Жалолов Ж., Ахмедов И., Акрамов Т., Нематов И. Бизнес маркетинг. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011. – 308 б.; Иватов И. Ўзбекистон деҳқон бозорида маркетинг фаолияти ривожланишининг истиқболлари. И.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. – Т., 2003.; Мухитдинов Д, Касимова Ф. Маркетинговая деятельность на рынке малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях модернизации экономики. Монография. – Т.: Иқтисодиёт. 2011. -154 с.; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: Фан, 2004; Солиев А. Маркетинг. – Т.:Молия ва иқтисод, 2009.- 395 б.; Фаттахов А.А. Тижорат – воситачилик ташкилотлари иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. – 160 б.; Эргашходжаева Ш. Дж., Қосимова М. С., Юсупов М.А,. Маркетинг. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2018. – 315 б.; Балташева З.А. Қорақалпоғистон республикасида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш. и.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. -Т.: 2012. –32 б.; Нурымбетов Т.У. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т.: 2019, –57 б.

келувчи жараёнларни мутаносиблигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

балиқ маҳсулотлари ҳудудий бозорининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, балиқчилик кластерларини ташкил этиш асосида балиқ етиштириш ва сотиш ҳажмларини кўпайтириш, унинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятининг хусусиятлари, унинг савдо конъюнктурасидаги ўзгаришлар ва маркетинг ёндашуви негизида нарх-навонинг шаклланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

балиқ маҳсулотлари бозорида ресурсларни кўпайтириш ва маҳсулотнинг сотиш учун мўлжалланган ҳажмини истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Қорақалпоғистон Республикасида балиқ ва балиқ маҳсулотларини етиштирувчи ва унинг савдоси билан шуғулланувчи иқтисодий субъектлар фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети балиқ ва балиқ маҳсулотларини етиштириш жараёнида, шунингдек, савдо-сотиқни ташкил қилиш соҳасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик баҳолаш, таққослаш, эксперт баҳолаш, сегментлаш, SWOT таҳлил, рақобатдаги устунлик даражасини аниқлаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

балиқчилик кластерларини ташкил этиш асосида ёпиқ сув айланма тизими қурилмаларида, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида қафас усулида балиқ етиштириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини кўпайтириш таклифи асосланган;

балиқ маҳсулотлари савдосини ривожлантиришда маркетинг стратегияси асосида балиқ етиштириш учун сарфланган харажатлар, балиқ маҳсулоти сифати, балиқ етиштиришдаги инфратузилма сифати, балиқ етиштириш таркибларининг талабга мос параметрлари ишлаб чиқилди;

балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришда биологик ресурсларни кўпайтириш, гидросфера ва ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш асосида аҳоли истеъмолида зарур балиқ ва балиқ маҳсулотларини гўшт нархига нисбатан арзонроқ нархларда етиштиришнинг маркетинг усуллари ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикасида 2025 йилгача балиқчилик хўжаликларида балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

балиқ маҳсулотлари бозоридаги балиқ етиштирувчи ва балиқ истеъмолчиларининг ўзаро иқтисодий муносабатлари баҳоланиб, балиқ

бозорини тартиблаштириш ва ундан фойдаланиш йўналишлари таклиф этилган;

Қорақалпоғистонда Республикасида балиқчилик мажмуасининг барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи ички ва ташқи омиллар таъсирини ўрганиш асосида балиқчилик хўжаликларида маркетинг фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

балиқ маҳсулотлари бозорида ўзаро манфаатдорлик, мувофиқлаштириш ва бошқариш функцияларини тартибга солиш, балиқчилик хўжаликларида тор доирада ихтисослашган кичик кооператив корхоналарини ташкил этиш зарурати ва шу асосда балиқчилик хўжаликлари самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилган;

балиқ маҳсулотлари бозори ривожланишининг ташкилий механизмини такомиллаштириш йўналишлари ва эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда балиқ маҳсулотларин етиштиришни кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, бунда расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар масъул ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти балиқчилик соҳасини маркетинг ёндашуви асосида ўрганиб, балиқ овлаш ва балиқ маҳсулотини сотиш билан боғлиқ жараёнларда балиқ маҳсулотлари бозорининг назарий ва амалий муаммоларини маркетинг тамойиллари ва унинг балиқ маҳсулотларига хос хусусиятларини эътиборга олиб, замон талаблари асосида ташкил этиш ва самарали бошқариш йўлларини аниқлашда услубий асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотлари бозори ривожланишининг истиқболларини маркетинг ёндашуви асосида аниқлаш, прогнозни амалга ошириш, унинг ривожланиш стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, айрим илмий-назарий хулосалардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Маркетинг», «Маркетинг асослари», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги», «Озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги», «Агромаркетинг» сингари фанларнинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалий базасини мустаҳкамлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Балиқчилик соҳаси ривожланишини маркетинг ёндашувлари асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

балиқчилик кластерларини ташкил этиш асосида ёпиқ сув айланма тизими қурилмаларида, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида қафас усулида

балиқ етиштириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини кўпайтириш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига тегишли корхоналар фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/04/401-сон маълумотномаси). Натижада балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга ошган;

балиқ маҳсулотлари савдосини ривожлантиришда маркетинг стратегияси асосида балиқ етиштириш учун сарфланган харажатлар, балиқ маҳсулоти сифати, балиқ етиштиришдаги инфратузилма сифати, балиқ етиштириш таркибларининг талабга мос параметрлари ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 01/1332-сон маълумотномаси). Натижада балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг маркетинг тамойилларидан фойдаланиб, балиқ маҳсулотлари чакана савдосини тартибга солишда сегментларни эътиборга олиш механизми ишлаб чиқилган;

балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришда биологик ресурсларни кўпайтириш, гидросфера ва ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш асосида аҳоли истеъмолида зарур балиқ ва балиқ маҳсулотларини гўшт нархига нисбатан арзонроқ нархларда етиштиришнинг маркетинг усуллари ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 01/1332-сон маълумотномаси). Натижада балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш ҳажми 5 фоизга ошган;

Қорақалпоғистон Республикасида 2025 йилгача балиқчилик хўжаликларида балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига тегишли корхоналар фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/04/401-сон маълумотномаси). Натижада балиқ хўжаликларини ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари, комплекс дастурлари ва истиқболдаги кўрсаткичларининг аниқлик даражаси таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шундан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан 8 таси республика, 2 таси хорижий журналларда, шунингдек, 13 та маъруза тезиси нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий матни 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Балиқчилик соҳасини маркетинг ёндашуви асосида ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги балиқчилик соҳасининг моҳияти ва унинг истеъмол бозоридаги ўрни, балиқчилик соҳасини маркетинг ёндашуви асосида ривожлантиришнинг назарий, услубий асослари, истеъмол бозорида балиқ савдосини маркетинг ёндашуви асосида йўлга қўйиш тамойил ва хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Бугунги кунда балиқ маҳсулотлари бозорини тадқиқ этишда талаб ва таклиф мувозанати, истеъмолчилар даромади, ҳудудий масалалар, уларнинг ижобий ҳал этишда инсон омили, уларни ишлаб чиқарувчи куч, истеъмолчи ва маркетинг ходими сифатида эътироф этиш керак. Хўжаликларни эркинлаштириш шароитида маркетинг инсон фаолиятини аниқ мақсадларга эришиш ва ижобий натижаларга эга бўлиш учун амалга оширилувчи онгли равишдаги бошқариш воситаларидан бири сифатида юзага келади ва бозор шароитида корхоналар фаолиятининг барча жабҳаларида, жумладан, маҳсулот товар ассортиментини ишлаб чиқиш, товарнинг белгиси, сервис хизматлари соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу жараёнда озиқ-овқат товарлари, уларнинг турлари бўйича ҳам маркетинг фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта эътибор бериш шу кун талабларидан келиб чиқади. Умуман, балиқ маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнида маркетинг фаолиятининг таъсир механизмлари 1-расмда ифодаланган.

Бу ерда маркетинг фаолияти балиқчилик соҳаси хўжаликларини ривожлантириш натижасида унда етиштирилган маҳсулотларни аҳолига етказишда давлат ва ҳудуднинг ролини ошириш йўли билан балиқ хўжаликларида маркетинг ёндашуви негизида унинг имкониятларидан мақсадли фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб берилган. Балиқ маҳсулотлари бозорида балиқни етиштириш, овлаш, сақлаш, тақсимлаш ва истеъмолчигача етказиб бериш балиқ хўжаликларининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб, бу

соҳага Ўзбекистоннинг балиққа мослашган ҳудуди – Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида эътибор берилмоқда.

Расмга кўра, маркетинг фаолияти ҳақида тўхталиб таъкидлаш жоизки, маркетинг бозор субъектлари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида уларнинг фаолияти натижаси имкон даражасида юқори манфаатдорликка эга бўлишини таъминлаш мақсадида ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликни йўлга қўйиш механизми бўлиб, бу биринчи навбатда, балиқ маҳсулотлари бозорида унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар йиғиндисини йўлга қўйиш билан белгиланади. Шунинг учун ҳам, балиқ маҳсулотлари бозоридаги маркетинг фаолиятининг энг муҳим вазифа бозорда иштирок этувчи балиқ маҳсулотларини етиштирувчи ва истеъмолчилар билан ишлашни йўлга қўйишдир.



1-расм. Балиқ маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнида маркетинг фаолиятининг таъсир механизмлари[6]

Балиқ маҳсулотлари бозори аҳамиятини янада ортиб боришини назарда тутган ҳолда маркетинг фаолиятини амалда қўллаш учун жуда кўплаб хўжалик бирликлари ҳаракат қилиб, ундан мақсадли фойдаланиш учун йўл-йўриқ қидирмоқда. Аммо уни ҳамма жойда ҳам қўллаш осон кечмайди, айниқса аҳолининг ўзи етиштирган балиқ маҳсулотларининг турли савдо масканларида сотилиши билан боғлиқ жараёнларда маркетинг фаолиятини ташкил этиш катта қийинчиликларга сабаб бўлади.

Шунга қарамай, хўжалик бирликлари амалга ошираётган тажрибаларни ўрганган ҳолда балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятининг шаклланиши, уни амалда қўллаш имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш шу кун талабларидан келиб чиқади. Бунга ундовчи энг муҳим омиллардан бири Қорақалпоғистон аҳолисининг 51 фоизи қишлоқ

[6] Муаллиф ишланмаси.

жойларда истиқомат қилиши, уларнинг аксарияти эса балиқ маҳсулотларини етиштирувчилар бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши ва унинг маълум қисмини товар сифатида сотиши учун ҳаракат қилишидир.

Мана шундай шароитда маркетинг фаолиятидан фойдаланиб, балиқ маҳсулотлари бозорида балиқ етиштириш ва уни аҳолига етказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ёхуд тартиблаштириш лозим. Балиқ маҳсулотлари бозорида балиқ етиштирувчи хўжаликлар томонидан етиштирилган балиқни сотиш билан боғлиқ жараёнлар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Балиқ етиштирувчи хўжаликлар томонидан етиштирилган балиқни сотиш билан боғлиқ жараёнлар[7]

Расмдаги жараёнларнинг амалга оширилиши ҳозирги кунда давлат балиқ етиштиришини кўпайтирувчи, кишиларга қўшимча маблағ топиш имкониятини берувчи ва қишлоқлардаги ишсизликни камайтиришга ёрдам берувчи балиқ хўжаликлари, балиқ етиштиришга қизиққан балиқчи ва фермерлар, шунингдек, балиқ савдосига алоқадор воситачилар ва савдони амалга оширувчиларнинг фаол ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-

[7] Муаллиф ишланмаси.

қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан мамлакатдаги балиқ етиштиришнинг устувор йўналишида қайд этилган озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтиради ҳамда аҳолини балиқ таркибидаги юқори сифатли оқсиллар билан таъминлашда бевосита иштирок этади.

Балиқ маҳсулотлари бозорида, аксарият ҳолларда, бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ва қишлоқ хўжалигида банд бўлмаганларнинг ҳам сотувчи сифатидаги иштироки фаоллашиб бораверади. Бунинг натижасида балиқ маҳсулотлари савдоси орқали балиқ хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг сотилиши, аҳолининг савдо жараёнида фаол иштирок этиши туфайли харидорларнинг моддий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имконияти туғилади. Балиқ маҳсулотлари асосан шаҳарликлар учун сотилади ва бозорнинг ривожланиши, айниқса, шаҳарлар ва туман марказларида яққол кўзга ташланади. Республикада ва ҳудудларда балиқ маҳсулотларини етиштириш учун имконият мавжудлиги бу маҳсулотлар савдоси учун объектив асос ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Балиқчилик соҳасида маҳсулот етиштириш ва унинг савдосини маркетинг ёндашуви асосида амалга ошириш ва ривожлантириш»** деб номланган иккинчи бобида балиқчилик соҳаси хўжаликларида балиқ маҳсулотларини етиштиришнинг асосий йўналишлари ҳолати ва ривожланиши, балиқ хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар савдоси ривожланиши ва уни тартиблаштириш йўллари, балиқ маҳсулотлари бозори конъюнктурасидаги ўзгаришлар ҳамда маркетинг ёндашуви негизида соҳани қўллаб-қувватлаш жараёнлари тадқиқ қилинган.



3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси балиқчилик соҳаси тадбиркорлигида маркетингни шакллантириш ва ривожлантириш[8]

Қорақалпоғистон Республикаси алоҳида геосиёсий мавқега эгалиги, унинг қулай иқтисодий-географик жойлашуви, табиий ва меҳнат ресурслари мавжудлиги бу ерда балиқчиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратади. Балиқ хўжалиги мажмуасини Қорақалпоғистонда саноат сифатида

[8] Муаллиф ишланмаси.

ривожлантириш бошланиши 2016 йилда «Қорақалпоқбалиқсаноати МЧЖ»нинг ташкил этилиши билан бевосита боғлиқ. Ўша пайтда балиқчилик хўжаликлари қарийб 5022 тонна маҳсулот етиштирган. Балиқ маҳсулотлари етиштиришни жадаллаштириш нафақат соҳанинг ривожланиши, балки унинг сезиларли даражадаги иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган. Бу ерда балиқчилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва давлат манфаати уйғунлигини таъминлаш муҳим масала бўлиб, бу жараён 3-расмда келтирилган.

Айниқса, бу жараёнда балиқ хўжалиги учун зарур шарт ҳисобланган объект сув ресурсидир. Иқтисодий фаолиятда, хусусан, балиқ маҳсулотларини етиштиришда сув ресурслари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда ижара асосида балиқ хўжаликлари ва тадбиркорларга берилган сув ҳавзалари ва майдонларида етиштириладиган балиқ маҳсулотлари жами етиштирилган балиқларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Ўзбекистонда ҳам балиқчиликни жадал ривожлантириш мақсадида кўплаб йирик балиқчилик хўжаликлари барпо этилган. Шунингдек, барча сув омборларида балиқ урчитиш ҳамда унинг тухумини ривожлантириш билан шуғулланадиган хўжаликлар ортиб бормоқда. Ички сув ҳавзаларида, айниқса хўжаликларда сув ҳавзаларини қуриш йўли билан балиқ етиштириш ҳажминини кўпайтириш, аҳолини тирик ҳамда совутилган балиқлар билан тўла таъминлаш имконини беради. Шу билан бир вақтда, балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмоли таркиби ва истеъмолчилар томонидан юқори даражада эътибор бериладиган жараён оиланинг турмуш даражаси билан боғлиқ.

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туманлар бўйича балиқ хўжаликларига ижара асосида берилган сув ҳавзалари майдони ҳақидаги маълумот 4-расмда келтирилган.



4-расм. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2020 йилда балиқ хўжаликларига ижара асосида берилган сув ҳавзалари майдони, %[9]

[9] Қорақалпоғистон Республикаси статистикаси бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Расмга кўра, сув ресурсларининг асосий қисми, яъни 56,4 фоизи Мўйнақ туманига тўғри келиб, бу ерда балиқ етиштириш борасида катта салоҳият мавжуд. Қолаверса, Мўйноқ тумани азалдан балиқ етиштиришнинг асосий марказларидан бири бўлган. Бунинг сабаби, бу туман Орол денгизига чегарадош бўлиб, балиқчиликни ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Шунга эътиборан, давлат томонидан анъанавий балиқ ҳудуди ҳисобланган Қорақалпоғистонда балиқчилик саноатини ривожлантиришга қарор қилинди. Бунинг учун Мўйноқ туманида учта йирик кўл ҳудудида – («Жалтирбас», «Судочье» ва «Рыбачье») «Мўйноқ аквасаноат» давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, «Жалтирбас» (17280 га), «Судочье» (19000 га) ва «Рыбачье» (3000 га) сув ҳавзалари ва яна улар ихтиёрига 100 га экин майдони доимий равишда фойдаланиш учун берилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 518 та балиқчилик хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Республика бўйича умумий сув ҳавза майдонлари 84902 гектарни, шундан: 115 та табиий сув ҳавзалари 83277 гектарни, сунъий сув ҳавзалари 1625 гектарни ташкил қилади. Бу эса ўз навбатида, балиқ етиштиришдаги табиий ва сунъий сув ҳавзалари иштирокини фаоллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улардан олинган балиқлар ҳажми 5-расмда ифодаланган.



5-расм. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2009-2020 йилларда табиий ва сунъий сув ҳавзаларида етиштирилган балиқ миқдори, тонна[10]

Расмга кўра, жами балиқ етиштиришда табиий ҳавзаларнинг аҳамияти сезиларли бўлиб, балиқчилик тармоғининг барқарор ривожланишида сув ресурсларида табиий ҳавзалар муҳим аҳамият касб этади. Бу сув ресурслари бошқарувининг ташкилий ва иқтисодий механизми таркибий қисмларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш даражасини оширишда муҳим ўрин тутиб, уларнинг моҳияти балиқ маҳсулотини ишлаб чиқаришда иқтисодий ва давлат муносабатлари институтларини бошқариш ва тартибга солиш тизимининг йўлга қўйилишига замин яратади. Табиий сув ҳавзаларидаги сув

[10] Қорақалпоғистон Республикаси статистикаси бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

ҳажми балиқчилик хўжаликлари сони ортиши ва балиқ етиштириш самарадорлигини оширишда муҳим ресурслардан бири эканлигини қайд этиш лозим.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқатнинг асосий турлари ва балиқ маҳсулотларини ҳақиқий истеъмол қилиш, уни физиологик талаблар даражасидаги меъёрий кўсаткичлар билан солиштирганда кескин фарқ қилаётганлигини кузатиш мумкин, бу 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалга кўра, балиқ ва балиқ маҳсулотларининг физиологик меъёри Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун 13,4 кг қилиб белгиланган бўлиб, у билан ҳақиқий истеъмол ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг белгиланган меъёрдан, масалан, 2020 йилда балиқ маҳсулотлари истеъмолида қарийб 2 баробар орқада экан. Шу билан бирга ҳисобга олинмаган ва хўжаликлар томонидан амалга оширилаётган балиқ истеъмоли ҳам ҳисобга олинса, натижа ижобий томонга силжишини кузатиш мумкин.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг 2011-2020 йилларда балиқ маҳсулотига талабини қондириш ҳолати[11]

Йиллар	Аҳоли сони, минг киши)	Аҳолининг йиллик истеъмол талаби, тн.	Ҳақиқий етиштирилган, тн.	Талабнинг қондирилиш даражаси, %	Аҳоли жон бошига тўғри келиши, кг
2011	1692,8	22683	1112	4,9	0,7
2012	1711,8	22938	1895,7	8,3	1,1
2013	1736,5	23269	2654	11,4	1,5
2014	1763,1	23625	2658	11,3	1,5
2015	1791,1	24001	3410	14,2	1,9
2016	1817,5	24354	4515	18,5	2,5
2017	1842,4	24688	6157,2	24,9	3,4
2018	1869,7	25054	9856,7	39,3	5,3
2019	1889,8	25323	12847	50,7	6,8
2020	1923,8	25778	14252,7	55,3	7,4

Балиқ бозорида потенциал ва реал рақобатчилар ва истеъмолчиларни билиш, бозор ҳажмини аниқлаш, бозорда ўзини қандай тутиш тактикаси ва стратегиясини ўрганиш масалаларига, тадқиқот ишида, катта эътибор қаратиш лозимлиги масалаларига тўхталиб ўтилган. Бу эса ўз навбатида балиқ бозорида қатор ташкилий масалаларни ҳал қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Хусусан, товар бозори бўлимини ташкил қилиш ва уни бошқариш бозор маъмуриятининг диққат-эътиборида туриши керак. Ана шундагина балиқ маҳсулотлари бозорида савдо-сотиқ жараёнини фаоллаштириш маркетинг тамойиллари асосида йўлга қўйилиши ва аниқ

[11] Қорақалпоғистон Республикаси статистикаси бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўзланган мақсадга етиши мумкинлиги амалиётда сезилмоқда. Савдо объектларини ривожланиши бозор талабларига тўлиқ жавоб беради ва моҳияти бўйича ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки аҳолининг даромадлари ошиб бориши уларни истеъмолида тўйимли, калорияси кўп бўлган товарларининг салмоғини кўпайишига олиб келмоқда.

Қорақалпоғистон балиқчилик тармоғининг муҳим хусусиятларидан бири, бу балиқ маҳсулотларининг ўртача 70-80% бирламчи савдо усули ёки оддий майдалаб сотиш асосида амалга оширилади. Қорақалпоғистон балиқ хўжаликлари товар балиқларини етиштириш ҳажмини кескин камайиши натижасида товар таклифини ҳам камайиши содир бўлиб, балиқчилик хўжаликлари тайёр маҳсулотларни сотишда ҳам тизим сифатида, ҳам инфратузилма тавсифи сифатида жиддий зарар кўришмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаси туфайли, савдода, хусусан, балиқ маҳсулотлари савдосида рўй бераётган ўзгаришлар, албатта, жисмоний шахс сифатида иштирок этувчи субъектларнинг фаоллиги негизида янада тез кўзга ташланмоқда. Балиқ маҳсулотларини сотиш одатда, супермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари ва асосан деҳқон бозори деб аталган савда масканларида амалга оширилиб, уларнинг ассортименти бўйича сотилишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Нукус шаҳри истеъмолчилари учун сотилган балиқ маҳсулотларининг ассортимент бўйича ҳиссаси 6-расмда келтирилган.



6-расм. Нукус шаҳри истеъмолчилари учун 2020 йилда сотилган балиқ маҳсулотларининг ассортимент бўйича ҳиссаси, %[12]

Расмга кўра, 2020 йилда Нукус шаҳри аҳолисининг балиқ маҳсулотлари истеъмолида дўнгпешона, сазан, карас сингари балиқ турларини харид қилиш ҳиссаси кўпроқ экан. Албатта, бу ерда савдо ходимлари томонидан маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш, биринчи навбатда, товарнинг сифати, реклама, рақобатчиларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятини қўллашнинг

[12] Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

муҳим жиҳатларидан бири товар гуруҳлари, турлари бўйича баъзи савдо корхоналарида сотилиш даражасини ўрганиш ўта муҳим бўлиб, бу инсон организми учун жуда зарур калорияли овқат ҳар доим истеъмолчилар томонидан нарх-навонинг даражасидан қатъи назар маълум даврларда харид қилинган. Кейинги йилларда Қорақалпоғистон аҳолисининг балиқ маҳсулотларини харид қилишдаги ўзгаришлар 7-расмда акс эттирилган.

Расмга кўра, 2007-2020 йилларда савдо корхоналари томонидан сотилган балиқ 2007 йилдаги 650,3 тоннадан 2020 йилда 12115,8 тоннага етди. Бунинг натижасида аҳолини балиқ истеъмол қилиш даражаси сезиларли даражада ошди. Балиқ бозорини мақсадли бозор сифатида ўрганиш учун қабул қилинган кўрсаткичлардан бири бу балиқ маҳсулотларига бозор талаби ҳисобланади. Балиқ бозорининг ҳисоб-китоб ишларида қийинчиликлар мавжудлигини ва ҳар доим ҳам унинг иштирокчилари хақида аниқ маълумотларга эга бўлмаслик натижасида табиийки, барча бозорлар учун бозор талабини билишда қийинчиликлар ва хатоликлар юзага келади. Талабнинг миқдорига рақобатчилар томонидан ташқи муҳитда назорат қилиниши қийин бўлган омиллар билан уларда маркетинг фаолиятини амалга ошириш натижасида содир бўладиган жараёнлар ҳам таъсир кўрсатади.



7-расм. Қорақалпоғистон Республикасида 2007-2020 йилларда сотилган балиқ маҳсулотлари динамикаси, тонна[13]

Шуни эътиборга олиб тадқиқот давомида балиқ маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш мақсадида унинг истеъмолчилари ўртасида сўровнома ўтказилиб, унинг натижалари ўрганилди. Шу нарса маълум бўлдики, республикамизда балиқ маҳсулотлари истеъмоли бўйича «Сиз биринчи навбатда уни саломатлик учун зарур бўлган истеъмол маҳсулоти сифатида қарайсизми ёки ҳар замонда истеъмол қилиш лозим бўлган маҳсулот сифатида кўрасизми?» деб берилган саволга сўралганларнинг 63 фоизи (аксарияти аёллар) «балиқ маҳсулотини саломатлик учун жуда зарур бўлган

[13] Муаллиф томонидан тузилган.

истеъмол маҳсулоти», 31 фоизи «ҳар замонда истеъмол қилиш лозим», 6 фоизи «жавоб беришга қийналаман» деб жавоб беришди.

Сўров натижаларига кўра, сўралган истеъмолчиларнинг «Сиз ташриф буюрган савдо масканида, ҳар доим ҳам ўзингиз истаган балиқ маҳсулотлари мавжудми?» деган саволга 2016 йида 35,7 фоизи «эҳтиёж қондирилди», 64,3 фоизи «йўқ» деб жавоб берган. 2018 йилда ушбу кўрсаткичлар бевосита 42,8 ва 57,2 фоизни ташкил этган.

2-жадвал

Балиқ ва гўштга нархнинг нисбати[14]

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Мол гўшти, сўм	22022	21233	22573	27122	33366	40500	45000
Қўй гўшти, сўм	23125	21370	22143	25291	31729	34500	38500
Балиқ, минг сўм	12463	12500	11740	12608	18508	19420	20889
Мол гўштига нисбати, %	56,6	58,9	52,1	46,5	55,5	47,9	46,4
Қўй гўштига нисбати, %	53,9	58,5	53	49,8	58,3	56,3	54,2

Бу жараён ҳам нархлар шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатиб, товарларни таклиф қилиш ва уларга талаб бозорда нархлар механизми билан боғлиқ. Шу билан бирга савдода мол ва қўй гўштларининг ҳар доим етарли бўлиши балиқ маҳсулотларига эҳтиёжни қондиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланар экан, у 2-жадвалда ўз ифодасини топган. Айниқса, балиқ маҳсулотлари бозорининг савдо масканларида, аҳоли гавжум жойларда, балиқ етиштириш билан шуғулланувчи хўжаликлар ҳудудларида балиқ маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш мумкинлиги, унинг нархи даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатар экан.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида балиқчилик соҳаси ривожланишини маркетинг ёндашувлари асосида такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида пандемия шароитида ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида балиқчилик соҳасини маркетинг ёндашуви ва балиқчилик кластерларини ташкил этиш асосида ривожлантириш йўналишлари, балиқ маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ва унинг бозори ривожланиши истиқболларини прогнозлаш масалалари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот ишида қайд этилган илмий-техник ишланмалардан юқори самарали технологиялар, бизнеснинг илғор шакллари ва уларни балиқ етиштиришга жорий этиш орқали инвестиция ва инновацион жараёнларни фаоллаштириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга ёндашув таклиф қилинган. Ушбу жараёнларнинг ривожланиш даражасини белгиловчи омиллар изоҳлаб берилган. Сув омборлари ва бассейнларни модернизация қилиш ва табиий сув ҳавзаларини ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди.

Маркетинг ёндашуви асосида балиқни истеъмолчи томон харакатлантириш ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантиришда асосий

[14] Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

